

**БУШУЕВ ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАБ  
ҚОЛИШ ВА СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Б. Бойбулов**

*қ.х.ф.н., катта илмий ходим*

*Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти (ЧПИТИ)*

*Қашқадарё илмий-тажриба станцияси (ИТС)*

**Б.Х.Юнусов**

*СамарқандДВМЧБУ б.ф.д. профессор*

**Аннотация:** Бушуев зотига мансуб қорамолларнинг бош сонини, турли тоифадаги хўжаликларда кўпайтиши мақсадида уларни тўла қийматли озиқлантиши, яхии асраш ва сақлаш шароитларини яратиш ҳамда генофондини сақлашида сермаҳсул подалар барпо этиши ва сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириши усулини ишилаб чиқаришига жорий этиши долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Бушуев, қорамол, насл, тизим, генофонд, технология.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 августдаги “Чорвачиликда индентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-285-сонли қарорларига асосан, Республикамиздаги гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган юқори талабни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда яратилган ягона бушуев зотли қорамолларнинг пуштдорлик кўрсаткичларини яхшилаш ва генетик паспортини яратиш халқимизнинг ижтимоий ҳолатини ижобий томонлама ўзгаришига, яъни камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда яратилган ягона бушуев зотли қорамоллар учун режалаштирилган асосий зотлардан бири ҳисобланади. Бушуев зотининг шаклланишида 5 та етакчи тизимлар муҳим ўрин эгаллаган. Тадқиқотларимиз, бушуев зотли қорамолларнинг ҳозирги кунда мавжуд етакчи тизимларига хос сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва бошқа асосий селекция белгиларини ўрганишга ва зотни такомиллаштиришга ҳамда энг мақбул тизимларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бу ишнинг муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигидан ва долзарблигидан далолат беради.

Бушуев зотли қорамоллар сут йўналишида бўлиб, зотни яратиш ишларига 1905-1906 йилларда агроном М.М.Бушуев томонидан Мирзачўл шароитида, янада аниқроғи Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида асос солинган. Бу зотни яратишда маҳаллий зебусимон қорамоллардан, голланд, швиц, симментал зотли буқалардан фойдаланилган. Зот мураккаб чатиштириш усулида олинган дурагайларни “ўз ичида” урчитиш усулида яратилган ва 1967 йил 8 майда зот сифатида

тасдиқланган ҳамда Ўзбекистонда яратилган ягона қорамол зоти ҳисобланади.

Ўзбекистонда яратилган ягона бушуев қорамол зоти, Мирзачўлда маҳаллий зебусимон қорамолларни голланд, швиц ва симментал қорамол зотлариға мансуб бўлган наслдор буқалар билан мураккаб чатиштириш натижасида яратилган ягона сут йўналишидаги қорамол зоти ҳисобланади.

Генетик нуктаи-назардан “бушуев” зотини халқимизнинг қимматли генетик мулки деб ҳисобласа бўлади. Мазкур зотга мансуб қорамолларнинг танаси оқ, қулоқлар сурпаси ва кўзининг атрофи қора ёки қизил рангда бўлади. Жунлари оқ рангда бўлсада, терининг баъзи жойларида қора ва қизил тусдаги доғлар мавжуд. Конституцияси мустаҳкам, бўйи ўртacha баландликда, танаси чўзиқроқ, кўкраги чуқур, лекин энсиз, елка ва бели тўғри бўлади.

Улар иссиқ иқлим шароитларига яхши мослашганлиги, қон-паразитар ва лейкоз касаликларига чидамлилиги, сигирларнинг сути таркибида ёғ микдори юқорилиги, маҳаллий озуқалардан яхши фойдаланиш ҳамда озуқани маҳсулот билан яхши қоплаш каби муҳим хусусиятларга эга эканлиги билан бошқа зотлардан ажralиб туради. Бу хусусиятлар бушуев зотли қорамолларни генофондини сақлаб қолишининг илмий асосларини ва амалий усувларини ишлаб чиқиши ҳамда генофонд подаларини яратиш ҳозирги қуннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Бушуев зотли қорамоллар муҳим биологик ва хўжалик фойдали белгиларига эга. Улар қуруқ иссиқ иқлим шароитларига яхши мослашган, қон-паразитар касалликларига чидамли, сигирлари сут таркибида ёғ даражаси юқори (4 % ва ундан юқори), маҳаллий озуқаларни яхши истеъмол қилиб, маҳсулотга айлантириш қобилияти яхши, буқачалари яхши гўшт маҳсулдорлигига эга. Қисқача қилиб айтганда, бизнинг мамлакатимизга урчитиш учун айнан мос қорамол зотидир.

Сигирларнинг ўртacha вазни 380-450 кг, айримлари 600 килограммгача, буқаларнинг вазни боқилганда 750-800 кг, йириклари 1000 килограммгача етади. Ушбу зотнинг гўштга боқилган новвосларининг кунлик ўсиши 750-800 грамм, бўрдокига боқилган новвослар 18 ойлигига 420-450 килограммга етади.

“Бушуев” зотли қорамоллар асосан Сирдарё вилоятида кенг тарқалган бўлиб, қорамолларнинг насл негизи Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон ва Мирзаобод туманларида мазкур зотни қўпайтиришга ихтисослашган 10 та наслчилик фермер хўжаликларида урчитиб келинмоқда. Вилоятдаги наслчилик фермер хўжаликларида сигирларнинг йиллик ўртacha сут соғими 2800-3200 килограммни, сутнинг ёғлилиги 4,1-4,9 фоизни, оқсил микдори 3,2 – 3,4 фоизни, айрим сигирларнинг сут маҳсулдорлиги йилига 5000 килограммни ташкил қилмоқда.

Ушбу зотга мансуб қорамолларни Республикаиздаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳамда аҳоли хонадонларида қўпайтиришнинг бир қатор ўзига хос афзалликлари мавжуд. Жумладан, ушбу зотга мансуб қорамоллар Республикаизга хос бўлган кескин континентал иқлимининг иссиғи ва совуғига, қон-

паразитар, лейкоз ва бошқа юқумли касалликларга чидамли, танаси бақувват, мустаҳкам туёқларга эга.

Бушуев зотли қорамоллар ноқулай шарт-шароитларга тез мослашувчанлиги, чидамлилиги ва озуқага кам талабчанлиги, серсуглиги, сигирлар сутидаги ёғ ва оқсил миқдорининг қўплиги, тез етилувчанлиги ва гўшт маҳсулдорлик юқорилилиги каби хусусиятлари билан бошқа қорамол зотларидан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Наслчилик тўғрисида”ги қонунида муайян жойга хос ва йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш чорвадорларнинг устувор вазифаларидан бир этиб белгиланган. Ҳозирги қунда бош сони камайиб бораётган “бушуев” зотли қорамолларни чорвачилик фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида кўпайтириш сут ва гўшт маҳсулотларига ўсиб бораётган талабни қондириш ҳамда барча тоифадаги хўжаликлардаги чорва молларнинг зотини яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бушуев зотли қорамоллар урчишига ихтисослашган наслчилик фермер хўжаликларидан бушуев зотли қорамолларнинг генофондини сақлаб қолиш мумкин. Шунингдек, ушбу зот урчитилаётган ҳудудлардаги зооветеринария хизмат кўрсатиш шаҳобчалари томонидан ташкил этилган қорамолларни сунъий уруғлантириш хизматидан фойдаланилади.

Шаҳобчалардаги юқори малакали мутахассислар томонидан фермерлар ва аҳолига қарашли маҳаллий сигир, таналарни бушуев зотли буқаларнинг музлатиб сақланадиган уруғлари билан уруғлантириш эвазига улардан биринчи бўғинда зотнинг 25 фоиз, иккинчи бўғинда 50 фоиз, учинчи буғинда 75 фоиз ва туртинчи буғинда эса 100 фоиз хусусиятлари жамланган авлодлар олинади. Бу эса, ўз навбатида ҳар авлодда сут ва гўшт маҳсулдорлиги онасига нисбатан анча юқори бўлган бузоқлар олишига эришилади.

Тажриба хўжалигига сут ҳамда гўшт маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мақсадида наслли бушуев зотли қорамолларни мутахассислар кўмагида кўпайтиришни тавсия этдик. Олинган соф фойда 6140 минг сўмни ташкил қилиб, иқтисодий самарадорлик 36,2% ни ташкил этди.

**Хулоса:** Бушуев зотли қорамолларнинг генофондини сақлаб қолища ва уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда, ушбу қорамол зотининг биологик асослари ва технологик усувларидан фойдаланиб, зотнинг етакчи тизимларидан соф зотли урчиши орқали юқори самарадорликка эришилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 августдаги “Чорвачиликда индентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-285-сонли қарори.
2. Бойбулов Б., Аширов М. ва бошқалар. Бушуев зотли қорамоллар генофондини сақлаб қолишининг долзарблиги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий анжумани”, Термиз, 18-19 май, 2018-йил, 2-жилд, 39-41 б.
3. Б.Бойбулов, Бушуев зотли қорамоллар, “Фермер” журнали. 2012- йил 9-10-сон 14-15 б.
4. Б.Ш.Бойбулов. Махаллий қорамол зотини ривожлантириш – долзарб масала. Зооветеринария журнали. 2017 йил, 30-31 б.
5. Бойбулов Б., Носиров Б., Соатов Ў., Каримов Ш. Бушуев зотини асраб қолайлик. Чорвачилик ва наслчилик иши журнали, 2020 йил, 5-сон, 18-20 б.
6. Ibragimjanovich, T. I., & Kurbanbay o'g'li, X. J. (2023). HARBIY-SPORT MUSOBAQALARINI TASHKILLASH VA O 'TKAZISH. PEDAGOG, 6(5), 780-781.
7. Ibragimovich, T. I. (2024). IMPROVING OF PEDAGOGICAL SKILLS OF STUDENTS OF PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY DURING CONTINUOUS PEDAGOGICAL PRACTICE. JOURNAL OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH, 1(2), 92-94.
8. Juraali o'g'li, F. N. (2023). ABDURAHMON JOMINING TALIMIY AXLOQIY QARASHLARI. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 48-53.
9. Mamurzoda, K. X. (2024). TARBIYA JARAYONINING MOHIYATI VA MAZMUNI TARBIYA QONUNIYATLARI VA TAMOYILLARI. JAMOA TARBIYA OBYEKTI VA SUBYEKTI SIFATIDA. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 17(4), 171-175.
10. Ibrohimovna, T. N., & Uktamovich, G. I. (2023). THE COLLOQUIAL SPEECH IN ENGLISH LINGUISTICS. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 76-78.
11. Абдурахмонов, А. Т. (2023). ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР!. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 79-84.